2007 YIL 13 APREL, JUMA

QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 46 (7.195). Sotuvda erkin narxda

Оқсаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 апрель куни Оқсаройда Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) амалдаги раиси, Испания Қироллигининг ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиносни қабул қилди.

- Биз нафақат ЕХҲТнинг амалдаги раиси, айни пайтда Ўзбекистон билан дўстона муносабатларга эга мамлакат – Испания ташқи ишлар вазири билан учрашиб турибмиз, - деди мамлакатимиз раҳбари.

Маълумки, мазкур ташкилотга аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари ҳар йили навбати билан унга раислик қилади. Бу Испания Қироллиги ташқи ишлар ва ҳамкорлик вазири Мигель Анхель Моратиноснинг ЕХҲТ раиси сифатида Ўзбекистонга илк ташрифидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2003 йилнинг январь ойида Испания Қироллигига давлат ташрифи икки томонлама ва кўп томонлама алоқаларни янги босқичга кўтарди. Испания Ўзбекистонга минтақамиздаги етакчи мамлакат сифатида қарайди.

Ушбу халқаро ташкилот раҳбарияти эътироф этганидек, 1992 йили ЕХҲТ сафидан жой олган Ўзбекистон демократик институтларни ривожлантириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш орқали хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш йўлидан изчил бормоқда. Ўзбекистоннинг ушбу халқаро ташкилот ишидаги фаол иштироки ЕХҲТ кўп қиррали ва самарали фаолият юритишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шу боис ЕХҲТ мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу халқаро ташкилот билан самарали ҳамкорлигини юксак баҳолайди.

ЕХҲТнинг амалдаги раиси Марказий Осиё ушбу ташкилот учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини, Ўзбекистондаги барқарор иқтисодиёт ва ривожланган фуқаролик жамияти, мустаҳкам тинчлик ва осойишталик ҳамда самарали бошқарув Евроосиё ва Трансатлантика минтақаларида хавфсизликни таъминлашда муҳим ҳаётий омил эканини таъкидлади.

Испаниянинг ЕХҲТга раислиги даврида ташкилотга аъзо давлатлар ҳудудида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, хусусан, террорчилик ва экстремизмга қарши курашиш масалаларига эътиборни кучайтириш, экологик хавфсизликни таъминлаш, ташкилотнинг нуфузини янада ошириш ва бошқа масалалар устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида Ўзбекистон ва ЕХҲТ муносабатларининг бугунги аҳволи ҳамда истиқболлари хусусида атрофлича фикр алмашилди.

(ЎзА)

Кунниг муҳим воқеалари

● **"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида республика ўқувчиларининг "Сехрли ёғду-2007" кино-фото санъати фестивали якунланди.**

● Фарғонада маҳаллалар диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг ўқув-семинари бўлиб ўтди.

● **Пойтахтимизда Унни тўйинтириш бўйича миллий дастур доирасида "Журналистлар учун учинчи миллий мукофот" танловининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

● Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ахборот-ресурс маркази иш бошлади.

● **Термиз шаҳрида "Ижтимоий йўналтирилган иқтисод, корхоналарнинг маҳсулдорлиги ва рақобатбардошлигини ошириш" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Республика Савдо-саноат палатаси ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр номидаги фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.**

● Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ташаббуси билан Оролбўйи фермерлари учун икки кунлик семинар-тренинг ташкил этилди.

● **Пойтахтимизда "Давлат ёнғин назоратининг энг илғор хизматчиси" анъанавий республика кўриктанлови ғолиблари аниқланди.**

● Қарши шаҳрида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги тиббиёт коллежлари раҳбарлари иштирокида «Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларининг таълим-тарбия жараёнига татбиқ этилиши» мавзуида ўқув-услубий семинар ўтказилди.

● **Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ҳамкорлигида ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий "Шунқорлар" ҳарбий-спорт мусобақаларининг Жиззах вилоят босқичи якунланди.**

● Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Кўптилеў Нуримов" фермер хўжалигида ўтказилган семинар-кенгаш чорвачиликни ривожлантириш, унинг маҳсулдорлигини ошириш, наслдор қорамоллар сонини кўпайтириш каби долзарб масалаларга бағишланди.

Отабек Суяров Тошкент темир йўллар институтини муваффақиятли тугаллаб, ҳозирги кунда Бухоро минтақавий темир йўллар узелига қарашли Зиёвиддин бекатида сидқидилдан хизмат қилмоқда. Бу ердан ҳар куни 4 минг тонна юк ортилиб, кўзда тутилган манзилларга жўнатилади.

СУРАТДА: темирйўлчи О.Суяров.

Н.АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Эр йигит отланди юрт хизматига

Президентимизнинг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарорига биноан айни кунларда нафақат ҳарбий бошқарув органлари, балки кенг жамоатчилик баҳорги чақирувни ҳар томонлама сифатли ўтказиш учун қизғин ишларни олиб боришмоқда.

Чақирув ёшига етган, ўзини шу Ватан, шу халқ тақдирига бефарқ билмаган йигитларимиз билан суҳбатлашиб, кўнглига қўл солиб кўринг. Шунда "Мен ҳам Ватаним осойишталиги йўлида ҳарбий либос кийиб, бурчимни ўтасам, армияда тоблансам", деган орзунинг, ҳаваснинг ҳароратини сезасиз. Аскарликка йўл оладиган йигитни бугун кенг жамоатчилик Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, ўзига хос тўй, тантаналар ила кузатиб қўйишмоқда. Ўтган баҳорги чақирувда Мудофаа вазирлигининг ташаббуси билан муддатли ҳарбий хизматга чақирилган йигитларга "Армия - ҳаёт мактаби" номли эслатма берилганди. Мана, орадан бир йил ўтиб, мазкур эслатма янгиланган, мазмун-моҳияти янада бойитилган ҳолда ҳаёт мактабига йўл олаётган йигитларимизга тарқатилмоқда.

Бурч

Эгнига "Ўзбекистон Қуролли Кучлари" ёзуви бор спорт либосини кийиб, армияга биринчилар қаторида йўл олаётган йигитларнинг ҳаяжон ила айтган сўзларига бир қулоқ тутинг-а.

- Юртимнинг асл посбони бўламан. Бурчимни виждонан ўтаб, билдирилаётган ишончни оқлайман. Бугун армия мактабини ўтаган йигитларга Ватан, халқ таянч, суянч сифатида қараётганини кўриб турибмиз. Мен ҳам ана шундайлар қаторида бўлишга ҳаракат қиламан, -дейди бекободлик Акбарали Абдуғаниев.

- Армиямизда хизмат қилиш менга ҳам насиб этганидан қувончдаман. Туғилиб ўсган муқаддас заминимни, она-юртимнинг осойишталигини асрашга бор шижоат, қатъиятимни сарфлайман, -дейди Жасур Эшбоев.

Дарҳақиқат, шуни фахр, ғурур билан баралла айта оламизки, бугун Қуролли Кучларимиз сафларида бўлиш нафақат конституциявий бурч, балки орзу қилишга сазовор касбга айланди.

Алижон САФАРОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига номзодлар

Олим ва амалиётчилар ҳамкорлиги меваси

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий ва ноорганик химия институти илмий ходимлари (лаборатория мудири, техника фанлари доктори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор, профессор Ш.С.Номозов, етакчи илмий ходим, ЎзРФАси академиги Б.М.Беглов, катта илмий ходим, докторант А.М Реймов) лаборатория шароитида маҳаллий (Қизилқум конидан олинган) фосфоритга азот кислотасини таъсир эттириб, "нитрокальцийфосфат" деб номланган ўғит ишлаб чиқариш технологиясини яратдилар.

"Самарқандкимё" ОАЖ инженер-техник ходимлари (бош муҳандис, химия фанлари номзоди Р.Ражабов, минерал ўғитлар цехи бошлиғи У.Сабоев) билан ҳамкорликда ушбу технология асосида саноат йўли билан ўғит ишлаб чиқариш "Самарқандкимё" ОАЖда йўлга қўйилди. 2006 йили ишлаб чиқарилган 50 минг тонна ўғитнинг бир қисми деҳқонларимизга етказиб берилиб, қолган қисми мамлакатимизнинг валюта захирасини бойитиш мақсадида қўшни давлатларга сотилди. 2007 йилда ушбу кўрсаткични 100 минг тоннага етказиш режалаштирилган. Корхонани қайта жиҳозлаб, уни бир йилда 250 минг тонна ўғит ишлаб чиқарадиган даражага кўтариш лойиҳаси яратилди. 300 гектар майдонни эгаллаган "Самарқандкимё" ОАЖ ҳудудида пайдо бўладиган, атиги 10-15 гектарга жойлашадиган замонавий ўғит заводи 2008 йилдан эътиборан ҳар йили 250 минг тонна нитрокальцийфосфат ишлаб чиқара бошлайди.

(Давоми 2-бетда)

Челак сутга нега тўлмайди?

Гапни далил келтиришдан бошлай қолайлик. Бухоро вилоятида айни дамда чорвачиликка ихтисослашган 268 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаяпти. Аммо олинаётган натижа ҳавас қилгулик даражада эмас. Негаки, 2006 йил якунига кўра, вилоят бўйича гўшт ва сут етиштиришда мазкур фермер хўжаликларининг улуши атиги икки-уч фоиз атрофида бўлди.

Статистик маълумотларга қараганда, бултур вилоят бўйича ҳар бош соғин сигирдан 1673 килограммдан сут соғиб олинган. Жондор туманида бу кўрсаткич атиги 944, Когон туманида 874 килограммни ташкил этган. Бошқача айтганда, тонг саҳарлаб сигир соққани борган соғувчи челаги қуйдек енгил ҳолда ортига қайтган. Таажжуб, фермер ўз сигиридан қунига бор-йўғи уч-тўрт литр сут соғиб олса-я? Бунақада манфаатдорлик ҳақида қандай гап бўлсин? Эчкимижоз сигирларни подада сақлаб туришга ҳожат борми?

Бир қарашда ҳаммаси жўндек. Пода таркиби яхшиланса бас. Челак сутга тўлаверади. Аммо амалда масаланинг моҳияти анча мураккаб. Келинг, даставвал Олот туманидаги "Зафар" фермер хўжалиги раҳбари Зиёдулла Саҳатовнинг сўзларига қулоқ тутайлик:

–Қорамол тилсиз жонивор, – дейди фермер. – У ҳам қаровга, меҳрга муҳтож бўлади. Меҳрингизни аядингизми, тамом, сиздан яхшидор чиқ-майди. Асло мусбатлаганмен говмишларимни эркалаб суяман. Ҳар бирига меҳримни берганман. Бундай муҳаббат рўзғоримга қут-барака бўлиб қайтаяпти.

Мушоҳада

Чорвачилик соҳасида бой тажрибага эга, сутни қайта ишлаб, ундан харидоргир маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйган Зиёдулла аканинг бу сўзларини тинглаб, "Сигирнинг елинига қарама, емига қара", деган нақл ёдимизга келди. Афсуски, айни шу масалага эътибор суст. Дейлик, фермер хўжаликларида 10-12 минг тонна ўрнига 4-5 минг тонна озуқа бирлиги жамғарилаяпти, холос. Пода таркибини яхшилаш, наслчилик ишларини оқилона йўлга қўйиш мавриди ҳам аллақачон келди.

Яна бир муҳим масала бу — алмашлаб экишни босқичма-босқич амалга оширишдир. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликларига тегишли ерларда нуқул беда ёки маккажўхори етиштириляпти. Оралиқ экинлари экиш унутилаёзди. Бу гап чорвачилик ривожига узвий боғлиқ пахтачиликка ҳам тегишли. Таниқли селекциячи олим Аухат Батталовнинг айтганича бор: илмий асосланган алмашлаб экишни қанча тез йўлга қўйсак, шунча яхши. Акс ҳолда, чорвачиликда ҳам, деҳқончиликда ҳам муаммолар камаймайди.

Бухорода балиқчилик ва паррандачилик соҳаларида кўплаб муаммолар тўпланиб қолганди. Вилоят ҳокимлиги уларни ўрганиб, бу тармоқларни ривожлантиришнинг 2007-2010 йилларга мўлжалланган дастурини тузди. Натижаси сезилиб қолди. Бозорда тухум, парранда ва балиқ маҳсулотлари сероб, нархи ҳам нисбатан арзон. Чорвачилик соҳасида ҳам шундай дастур асосида кенг қамровли ишлар бошланди. Мақсад аниқ – сут ва гўшт мўл бўлсин, нархи чўнтакни чақмасин. Соғувчининг челаги сутга тўлса яхши-да, нима дейсиз?

Истам ИБРОҲИМОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Кўҳна шаҳарнинг довруғи

Берлинда «Ипакчилик шаҳри Марғилон – 2000 ёшда» номли рангли журнал немис тилида босилиб чиқди. У мамлакатимизнинг Германиядаги элчихонаси кўмагида нашр этилди.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Тошкент шаҳарлари каби Марғилоннинг жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган улкан ҳиссаси журналда алоҳида таъкидланади. ЮНЕСКО томонидан шаҳарнинг 2000 йиллик тарихига эга, деб эътироф этилиши бунинг ёрқин исботи сифатида қаламга олинган.

Тақдимот

Нашр тўртбўлимдан иборатдир. «Марғилоннинг кўҳна тарихи» деб ном олган биринчи бўлимда шаҳарнинг вужудга келиш тарихи ҳақида маълумотлар ўз аксини топган. Қадимий ва замонавий манбаларда, хусусан, германиялик ҳамда европалик олимлар олиб борган тадқиқотларда Буюк Ипак йўлида жойлашган Марғилон гўзал ва катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги таъкидланади. Бўлимда, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси археология институти махсус илмий экспедициясининг 1994-1999 йилларда Марғилон ҳудудида олиб борган қазилма ишлари натижасида ушбу шаҳар ҳақида жуда қимматли маълумотлар қўлга киритилгани хусусида ҳам атрофлича сўз боради.

«Ипакчилик шаҳри Марғилон – 2000 ёшда» журнали Марғилоннинг тарихи ва бугунги куни, диққатга сазовор меъморий ёдгорликлари, халқ амалий санъати намуналари ва ранг-баранг, чиройли атлас матоларини ҳамда марғилонлик қўли гул усталар тайёрлаган турли-туман маҳсулотларни акс эттирган рангли суратлар билан безатилган.

«Жаҳон» АА,
Берлин.

Дунё саҳнасида

Дунёда рўй бераётган сўнгги янгиликлар газетамизнинг 2-саҳифасидаги «Етти иқлимдан бир шингил» рукнидан жой олган.

Масъулиятли мавсум

– Пиллачиликни янада равнақ топтириш мақсадида бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Собир Наврўзов.

–Жорий йил республикамиздаги пиллани қайта ишлаш корхоналарини етарли хом ашё билан таъминлаш ҳамда экспорт қилиш мақсадида мамлакат миқёсида 22 минг тонна пилла хом ашёси етиштириш мўлжалланган. Бу ўтган йилгига нисбатан салкам 2 минг тонна кўп демакдир. Шунингдек, ипак қуртининг озуқа базасини яратиш учун жорий йилда 4900 гектар янги тутзорлар барпо қилиш белгиланган. Айни пайтгача шундан 3167,6 гектарига тут қўчатлари ўтказилди. Қолган қисми кузда ташкил этилади.

Бу йилги мавқуртини жонлантиринкубаторияларга чиқарилди. Мавсум олдидан ипак радиган 3902 та тўлиқ таъмирдан сум давомида соҳада хизмат кўрсатадиган пиллачилик агроном, бригадир ҳамда соҳанинг бошқа ходимлари қисқа курсларда малакасини янада бойитдилар. Айни пайтда эса ипак қурти боқувчи (389880) звеноларга бирлаштирилган ҳолда ортига қайтган. Тааҳжуб, фермер ўз сигиридан қунига бор-йўғи уч-тўрт литр сут соғиб олса-я? Бунақада манфаатдорлик ҳақида қандай гап бўлсин? Эчкимижоз сигирларни подада сақлаб туришга ҳожат борми?

Пиллачилик

Жорий йил мавсуми учун 508 минг қути ипак қурти уруғлари тайёр ҳолатда. Пилла етиштириш юзасидан фермерлар билан контрактация-шартномалари тузилган. Мавжуд 82 миллион дона якка қатор тутлар ва 53556 гектар тутзорларда баҳорги агротехник-юмшатиш, суғориш, ўғитлаш ишлари бошлаб юборилган. Бу тутзорлар ҳам ўз эгасини топганлигининг шарофатидир. Олинган тезкор маълумотларга кўра, айни кунгача республикамизнинг 9 вилоятида 185070 қути ипак қуртлари жонлантириш учун инкубаторияларга қўйилган.

Дарвоқе, етиштириладиган пилланинг ҳар килограммига ўртача 1150 сўмдан ҳақ тўлаш белгилаб қўйилган. Пиллачиларни олдиндан тўланадиган 40 фоиз бўнак пуллари билан таъминлаш эса ипакчилик саноат корхоналари ҳамда банк муассасалари орқали амалга оширилади.

Сурхондарё вилоятининг кўпгина туманлари ва бошқа ҳудудларда ҳам ипак қурти парваришига киришилди.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Бокс қоялари «жанги»

Спорт хабарлари, хусусан, Руслан Чагаев ва Николай Валуев ўртасида бўлиб ўтадиган чемпионлик жанги ҳақидаги маълумотлар билан қизиқсангиз, газетамизнинг 4-саҳифасига назар ташланг.

"Пальма академияси бутоғи" совриндорлари

Ўзбекистонлик уч нафар француз тили ўқитувчиси Франция халқ таълими вазирлиги томонидан "Пальма академияси бутоғи" ордени билан тақдирланди.

Совриндорлардан бири Андижон шаҳар тиллар институтининг кўп йиллик француз тили ўқитувчиси Аҳмадали Мадалиевдир. 1995 йил у мазкур орденнинг "Кавалер" унвонига муносиб кўрилган бўлса, бу гал унга "Офицер" мақоми берилди.

Хушхабар

"Кавалер"нинг навбатдаги соҳиблари Хоразм вилоятининг Қўшкўпир туманидаги 1-лицей француз тили ўқитувчилари Муҳаббат Аскарова ва Шукуржон Шомуродовдир.

Шу пайтга қадар 12 нафар ўзбекистонлик мураббийлар мазкур орденнинг Кавалер ва Офицери даражасига лойиқ топилишган.

Ушбу орден Франциядаги энг қадимги фуқаролар фахрий соврини ҳисобланади. У 1808 йил 19 мартда Наполеон I томонидан таъсис этилган. Даставвал орден фақат университет ўқитувчиларига берилган бўлса, кейинчалик унга лицей, коллеж ва мактаб мураббийлари ҳам қўшилди.

Мазкур мукофот ёшларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларнинг буюк хизматлари учун топширилади.

"Туркистон-пресс"

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг	БЕНЗИН (80) 746,4 ▲ + 0,5	БЕНЗИН (91) 843,7 ▲ + 12,0	ДИЗ.ТОПЛИВО 594,8 ▲ + 0,2	МАЗУТ 121,3 ▼ - 36,1	СЖ.ГАЗ 462,0 ▲ + 13,7	МАСЛО ХЛОПК. 958,1 ▲ + 27,7	САХАР 883,2 ▲ + 1,2	КОМ.КОРМ 109,3 ▼ - 10,4

YETTI IQLIMDAN BIR SHINGIL

Жазоирдаги хунрезлик

Жазоирда содир этилган қатор қўпорувчиликларни "Ал-Қоида" ўз зиммасига олди.

Мамлакат полициясига қўнғироқ қилган номаълум шахс ҳукумат биноси ва халқаро аэропорт қўриқлаш маҳкамаси олдида амалга оширилган терактлар ушбу террорчилик ташкилотининг Шимолий Африкадаги бўлинмаси иши эканлигини айтган. Хабарларга кўра, қўпорувчиликлар оқибатида 30 дан зиёд одам қурбон бўлган.

Жазоирда ҳукумат ва радикал экстремистлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар 1992 йилдан буён давом этиб келмоқда. Ўша йили парламентга бўлган сайловларда экстремистлар ғолиб келгани учун натижалар бекор қилинган ва ўзаро қарама-қаршиликлар бошланиб кетган эди. Ўшандан буён ўзаро тўқнашувлар оқибатида 200 мингга яқин одам ҳалок бўлган.

Ироқликлар чексиз уқубатда

Халқаро Қизил хоч қўмитаси Ироқдаги вазият борасида янги ҳисоботни тақдим этди.

Ҳисоботда айтилишича, АҚШ бошчилигида Ироқ ишғоли мамлакат тинч аҳоли вакилларини чексиз азоб-уқубатларга дучор этмоқда. Қўмита вакилларининг сўзларига кўра, Ироқда одамлар учун ҳаёт шу қадар оғирлашиб бормоқдаки, аҳоли уйларидан бир қадам ташқарига чиқишга қўрқиб қолган. Сув, озиқ-овқат, электр энергия танқислиги ҳам ана шу қўрқув олдида сезилмайди гўё.

"Ҳимоясиз тинч аҳоли - Ироқда тобора чуқурлашаётган инқироз", деб номланган ушбу ҳисобот аввалгиларидан фарқли ўлароқ Ироқ ишғолини эмас, балки ишғол қай тарзда амалга оширилганини қоралаб чиққан.

Гиёҳвандфурушлар қўлга тушди

Мексика полицияси март ойи бошларида фош этилган йирик наркокартелнинг 7 нафар аъзоси ва бошлиқларидан бирини қўлга олди.

Шу йилнинг 16 мартида Мехико полицияси Чапультепек туманидаги гиёҳвандфурушлардан бирининг ҳашамдор вилласини тинтув қилиб, нақд 205 миллион АҚШ доллари, 200 минг евро, замонавий ўқотар қуроллари, 8 та қимматбаҳо автомобилни қўлга киритган эди. Бундан ташқари, вилланинг остида метамфетамин сунъий гиёҳванд моддасини ишлаб чиқарувчи катта бир лаборатория борлиги аниқланганди. Қаср эгаси ва хизматкорлари аввалроқ қочиб қолгани боис, уларни ҳибсга олишнинг имкони бўлмаганди.

Мексика ҳукуматининг таъкидлашича, бу ютуқларнинг барчаси шу йилнинг бошида сайланган янги президент Фелипе Кальдероннинг гиёҳвандфурушларга қарши очган уруши натижасидир.

Ўқувчига 45 йил жазо

Америкалик 15 ёшли ўсмир Кеннет Бартли 45 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

У 2005 йил 8 ноябрда ўзи ўқиган мактаб директори ўринбосарини отиб ўлдириш ва икки нафар ўқитувчига оғир тан жароҳати етказганликда айбдор, деб топилди. Суд вакилларининг маълум қилишича, Кеннетга умрбод қамоқ жазоси тайинланиши кутилган эди. Марҳум директор ўринбосарининг беваси ўсмирга енгилроқ жазо берилишини илтимос қилгани боис шундай ҳукм ўқилган.

Украина муаммолари

Украина Марказий сайлов комиссияси мамлакат Конституцион судига махсус нома йўллади.

Унда МСК Конституцион суддан президент Ющенконинг парламентни тарқатиб юбориш ва муддатидан аввал сайлов ўтказиш фармони қонуний ёки йўқлигини зудлик билан ҳал этиб берилишини сўраган.

- Акс ҳолда, - дейилади номада, - бу фармонни ноқонуний деб билаётган бош вазир Янукович ва президент Ющенколар бошчилигида икки қутбга бўлинган украиналиклар мамлакатни сиёсий инқирозга юз туттиради. Украина Конституцион суди фармон тўғрисида ўтган ҳафтада қарор чиқариши лозим эди, аммо бу ишни номаълум сабабга кўра ортга сурмоқда.

«Passat»даги носозлик

Volkswagen AG автоконцерни янги Passat моделли автомобилларини қайтариб олишини маълум қилди.

Маълум бўлишича, дунё бўйлаб сотилган 300 мингдан зиёд Passatларда ҳайдовчи ҳаёти учун хавфли носозликлар борлиги аниқланган. Мутахассислар фикрича, 2005 йилдан шу вақтга қадар ишлаб чиқарилган Passat маркасининг ёнилғи узатиш тизими ва тормоз системасида қутилмаганда носозликлар юзага келиши мумкин. Бу Volkswagenнинг биринчи хатоси эмас. Бундан аввал АҚШдаги 47 минг дона автомобили қайтариб олинган эди.

Уддабурон тахтафурушлар

Европа, Осиё ва Американинг ёғоч маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи бир неча компанияларига нисбатан жиноий иш очилиши мумкин.

Номлари ошкор этилмаётган ушбу компаниялар Конго демократик республикасида 21 миллион гектар (Буюк Британия майдонига тенг) ўрмонни маҳаллий аҳолини алдаш йўли билан қўлга киритишган. Компаниялар бу ўрмонлардаги бир кубометри минг долларгача етадиган қимматбаҳо дарахтларни қириб юбораётгани маълум бўлган. Бунинг эвазига "ишбилармон"лар маҳаллий аҳолига туз, шакар, асбоб-ускуна ва велосипедлар бериб алдаб келган.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Олим ва амалиётчилар ҳамкорлиги меваси

(Боши 1-бетда)

Ўғит ижодкорлари билан ушбу лойиҳанинг қандай амалга ошгани, унинг аҳамияти, ўғит ишлаб чиқаришнинг деҳқончиликдаги ўрни, шунингдек, унга ёндош масалалар бўйича суҳбатлашдик.

Ш.Даврон: – Нитрокальцийфосфат ишлаб чиқариш қандай бошланди?

Ш.Номозов: – Хорижий мамлакатлардан келтириладиган хом ашё асосида фосфорли ўғит ишлаб чиқарадиган корхона фаолият кўрсатиши қийинлашиб қолгач, маҳаллий хом ашё асосида ишлаб чиқариш технологиясини яратиш кун тартибига қўйилди. Шу муносабат билан эълон қилинган танловда Японияннинг "Мицуи" компанияси қаторида биз ҳам ўз технологик таклифимиз билан қатнашдик.

Ш.Д.: –Танловнинг ўзига хос, мураккаб томонлари нималардан иборат эди?

Ш.Н.: – "Мицуи" – ўғитчилик соҳасида жуда нуфузи баланд компания. Бизда эса лаборатория шароитида ўғит ишлаб чиқариш технологияси бор бўлиб, шу асосда саноатда ўғит ишлаб чиқариш мумкинлигини исботлашимиз зарур эди. Бу борада эса бизнинг тажрибамиз, имкониятларимиз етарли эмасди.

Ш.Д.: –Шундай вазиятда қандай омил ҳал қилувчи роль ўйнади?

Ш.Н.: –Бизга ишонч керак эди. Айтиш мумкинки, биз олий даражадаги ишончга мушарраф бўлдик.

Ш.Д.: –Ишончни оқлаш қандай кечди?

Р.Ражабов: –2005 йилнинг май ойларида иш бошланди. 1975-1988 йиллари аммофос ишлаб чиқариш учун қурилган ва узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, тўхтаб қолган мажмуа бизнинг ихтиёримизда эди. Етишмаган қурилмаларни топиш, таъмирлаш ва янги технологияга мослаштириш, шунингдек, тажрибалар ўтказиш билан ярим йиллик вақтимиз ўтиб кетди. 2005 йилнинг ноябрь ойига келиб маҳсулот чиқара бошладик.

Ш.Д.: –Ҳар иккала технологик таклифни асосий кўрсаткичлар бўйича қиёслаб, қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Ш.Н.: –Биринчидан, "Мицуи" лойиҳасидаги корхона йилига 300 минг тонна, бизнинг технологиямиз асосида лойиҳаланган корхона эса 250 минг тонна ўғит ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Бизнинг технологиямиз асосида ишлайдиган корхона лойиҳасини "Ўзкимёсаноат" компаниясига қарашли "Ўзкимёсаноатлойиҳа" институти ходимлари яратишди. Биз учун компания раҳбариятининг ёрдами беқиёс бўлганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Таклиф этилган ҳар иккала технологияда хом ашё - Қизилқум фосфоритидир. Фарқ шундаки, биринчи технологияда фосфоритга сульфат кислота (H_2SO_4) таъсир эттириб суперфосфат, иккинчи технологияда эса азот кислотаси (HNO_3) таъсир эттириб, нитрокальцийфосфат ўғити ишлаб чиқарилади. Шунинг учун ҳам биринчи таклифда йилига 200 минг тонна сульфат кислота ишлаб чиқариш қувватига эга цех қуриш мўлжалланган эди. Ушбу ҳажмдаги кислотани ишлаб чиқариш учун эса, мамлакатимизда камёб ҳисобланган 60 минг тонна олтингугурт (S) керак. Бу эса қуриладиган корхона учун келажакда хом ашё муаммосини келтириб чиқариши мумкин эди. Иккинчи технологияда ишлатиладиган азот кислотасининг таркибини ташкил этувчи ҳар учала компонент ҳаводан олинади. Азот кислотаси ишлаб чиқариш Чирчиқдаги "Электрокимёсаноат" ва "Навоийазот" ОАЖларида йўлга қўйилган. Уларнинг эҳтиёжидан ортиғи иккинчи лойиҳадаги корхона талабини тўлиқ қоплайди. Шунинг учун иккинчи таклифда кислота ишлаб чиқариш цехи қуриш режалаштирилмаган. Иккинчи фарқ ана шундан иборат.

Биринчи таклифни амалга ошириш – АҚШ доллари ҳисобида 87,35 миллион, иккинчи таклифни рўёбга чиқариш эса 43,59 миллион маблағ талаб қилади. Бу – улар орасидаги учинчи фарқдир.

Тўртинчи - асосий фарқ бу - ишлаб чиқариладиган маҳсулотлардадир. Биринчи технология асосида тайёрланадиган ўғитнинг атиги 11 фоизи, иккинчи лойиҳа бўйича ишлаб чиқариладиганининг эса 23 фоизи ер учун озуқадир. Бундан ташқари, биринчи технологияда фосфорит таркибидаги кальцийнинг бир қисми сульфат билан бирлашиб, гипс ҳосил қилади. Шу тарзда, ўғитнинг 50-55 фоизи гипсдан иборат бўлиб қолади. Узоқ вақт тупроқ таркибида ушбу ўғитдан гипс кўпайиши натижасида деҳқончиликда янги муаммолар пайдо бўлиши мумкин. Иккинчи технологияда эса ўсимлик учун фойдали, сувда эрийдиган кальций нитрати ҳосил бўлади. У ўғитнинг 14-15 фоизини ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, замин учун зарур моддаларга бой, деган хулосага келинади.

Б.Беглов: –Юқорида иккинчи технологик таклифнинг биринчисидан афзаллиги қиёслаш йўли билан исботлаб берилди. Бунинг боиси, биз ўз муаммоларимизни, имкониятларимизни яхшироқ биламиз. Ўзимиз учун, мустақил мамлакатимиз равнақи учун яратаётганлигимиз ҳал қилувчи омил бўлди: Ана шу ҳақиқатни англаб етдик. Ушбу хулоса ҳам биз учун ўзига хос қимматли топилмадир. Кичикроқ бўлса-да ғалабага эришган, бундай ғалабанинг маънавий асосларини ахтариб топган олимлар деҳқончилигимиз ва бошқа соҳалардаги муаммоларни ҳал этмоқ учун дадил қиришишга ўзларида рағбат топа оладилар.

Ш.Д.: –Сиз деҳқончиликдаги яна қандай муаммоларни назарда тутдингиз?

Б.Б.: –Менделеевнинг элементлар даврий системасидаги 6 та элементни (азот, фосфор, олтингугурт, калий, кальций, магний) ўсимликлар кўпроқ, йод, мис, молибден, цинк, марганец, хром, кумуш, темир ва свинц каби 40 дан ортиқ элементларни эса камроқ "истеъмол" қилади. Шунинг учун биринчи гуруҳ элементлари, макроэлементлар, иккинчи гуруҳ элементлари эса микроэлементлар, деб аталади. Пахта толасининг узунлиги ва мустаҳкамлиги, шунингдек, бизни қизиқтирадиган бошқа сифатларнинг мужассам бўлиши ғўза навидан ташқари унинг нималар билан ва қандай озиқлантирилганига боғлиқ. Мана шу масалани қай даражада яхши билсак, ғўзани шу қадар тўғри озиқлантиришимиз мумкин. Биз истеъмол қиладиган деҳқончилик маҳсулотларининг сифати ҳам тегишли ўсимликларнинг тўғри озиқлантирилиши ва суғорилишига боғлиқ.

Ш.Н.: –Универсал, ҳамма экин майдонларига бирдек мос келадиган ўғит бўлиши мумкин эмас. Муайян экин майдонига энг зарур ўғитларни ишлаб чиқариш учун экин майдони ва унга экилган ўсимлик эҳтиёжларини яхши билишимиз керак. Бунинг учун чуқур тадқиқотлар ўтказмоқ даркор.

Ҳозиргача ўғит таркибидаги фосфорнинг, энг кўпи билан, 20 фоизини ўсимлик ўзлаштиради. Қолгани ёпиқ ҳолатда тупроқ таркибида қолиб кетади. Таъкидланган кўрсаткични 40 фоизга чиқариш ўғит учун кетадиган харажатларни икки баравар камайтириш демакдир. Ёки тупроқ таркибидаги зарур макро ва микроэлементларни муайян ўсимлик ўзлаштирадиган ҳолатга келтириш ҳам деҳқончилигимиз олдида турган катта муаммолардан бири. Ушбу муаммони ҳал қилиш ўғит билан боғлиқ харажатларни кескин камайтиришга олиб келади. Деҳқончилигимиз олдида турган шунга ўхшаш яна ўнлаб масалаларни келтириш мумкин.

Баъзи олимларимиз амалиётда яхши наф бермайдиган масалаларни диссертациябон санаб, улар устида тадқиқотлар олиб боришни яхши кўрадилар. Бундай ҳолатларда ҳеч қандай масъулият сезишмайди. Чунки унинг натижасига ҳеч нарса боғлиқ эмас. Юзаки, мантиқан заиф ишлар пайдо бўлиши ҳам ана шундан. Реал маънога эга бўлган масалалар тадқиқ қилинганда, хулосалар нотўғри бўлса, вақт ўтиши билан хатолар билинади. Бундай ишлар тадқиқиқига масъулиятсизлик билан ёндашиш ўзининг маънавий маҳв этилишига рози бўлиш билан баробардир.

Ўғит зироатчиликдаги масалалардан бири. Деҳқончиликнинг муваффақиятини тўла таъминлаш, бу – "Ер кодекси"да белгиланганидек - тупроқ ҳосилдорлигини тиклаш, ошириб бориш баробарида, табиатга зиён-зақмат етказмасдан, керакли миқдорда экологик тоза маҳсулотларни етказа оладиган даражадаги илмий асосланган деҳқончилик маданиятига эришишдир. Бунинг асосларини унумдор тупроқ, ҳаво, қуёш ва сувдан иборат яхлит тизим ташкил этади, деб қараш, тадқиқотлар олиб бориш, унинг қонуниятларини очиш йўли билан яратиш мумкин.

Шодиёр ДАВРОН

Ўтемурот ўтовлари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида олис қишлоқ ҳамда овулларда аёллар меҳнатини ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, ўтган йиллар мобайнида Навоий вилояти Томди туманининг чорвачиликка ихтисослашган ширкат хўжаликлари қошида кўплаб кичик корхоналар ташкил этилди. Туя, қўй жунлари ҳамда териларини қайта ишлаш асосида маҳсулот тайёрлашга мўлжалланган ушбу кичик корхоналарда, асосан, хотин-қизлар учун янги иш ўринлари яратилди...



Бу қўрғонда азалдан чорвадорлар, ҳунармандлар, тужжорлар қўним топган. Истиқлолимиз туфайли янада чирой очаётган Ўтемурот қўрғонида ҳозирги кунда икки юздан зиёд оила истиқомат қилади.

Изланиш

Қўрғонда ҳаёт улкан дарё янглиғ жўш ураётир. Аҳолининг асосий қисми чорва билан банд. Эркаклар оғир юмушларни адо этишади. Аёллар ҳам қараб туришмайди. Жундан кигиз босиш, наматлар тайёрлаш, совуқдан сақловчи жун чопон ва нимчалар тикишнинг ҳадисини олган улар.

Бундан уч-тўрт йил илгари тадбиркор Фарида Муҳаммеджонова ўтемуротлик чеварларни бирлаштириб, "Жигер" кичик корхонасига бошчилик қила бошлади. Жун ва хом тери асосида йигирма хилдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, истеъмолчиларга жўнатаётган "Жигер" кичик корхонасининг довруғи тезда чоратрофга тарқалиб кетди. Ҳозирда қирққа яқин касаначилар "Жигер" билан шартнома тузишиб, меҳнат қилаётир. Улар корхона буюртмасига кўра ҳар қандай маҳсулотни ўз муддатида тайёрлаб беришмоқда.

"Жигер" тамғаси билан ишлаб чиқарилаётган қўй ва туя жунидан тўқилган чидамли, иссиқ сақловчи намат ҳамда кигизлар, кийим-кечаклар харидорларга манзур.

Ўтган йилдан бошлаб ушбу кичик корхона жамоаси қўшни қозоғистонлик ҳамкорларнинг талабини инобатга олган ҳолда, ўтов тайёрлашни ҳам йўлга қўйди. Бунинг учун дастлаб "Пахтабанк"нинг Томди тумани бўлими ажратган имтиёзли кредит ҳисобидан янги дастгоҳлар ва қўшимча хом ашё келтирилди. Кекса усталардан маслаҳат олинди. Касаначи чеварлар эса ўтов ясаб улғайган усталардан бу соҳанинг сир-асрорларини ўргандилар. Қадим аждодларимиз ардоқлаган ўтовлар шу тариқа Ўтемуротда қайтадан дунёга келди. Доногул Бегманова, Мўлдир Полева, Баян Жайсанбаева каби қўли гул чеварлар яратган ўтовлар бугун шартнома асосида талабгорларга жўнатилмоқда.

Бахриддин САДРИДДИНОВ

Самарқанд томонларда

Ўқиш ва уқиш уйғунликда

Вилоят ички ишлар бошқармасида республика ИИВ академиясининг самарқандлик битирувчи курс тингловчилари малакавий амалиёт ўтамоқдалар.

Шу муносабат билан бошқармада тингловчилар ва уларнинг ота-оналари учун давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида ота-оналар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Фарзандларимиз келажакда халқ осойишталиги йўлида намунали хизмат қиладилар, деб ишонч билдирдилар.

Маҳсулотингиз штрих-кодланганми?

Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистонда автоматик идентификатлаштиришни ривожлантириш масалалари" мавзусида семинар ташкил этилди.

Семинарда GS 1 халқаро штрих кодларининг афзалликлари, унинг маҳсулот сифатини аниқлашдаги хусусиятлари, товарларни штрих кодлаш тартиблари ҳақида гап борди. Уюшма мутахассислари "GS 1 Uzbekistan" уюшмасига аъзо бўлиш тартиблари, шартлари ва бу борада тадбиркорларга яратилган қулайликлар хусусида маълумот беришди.

Тадбир сўнгида GS 1 халқаро тизими кодларини ишлатиш бўйича видеоролик ҳамда автоматик идентификатлаштириш бўйича "Штрих-М" компаниясининг технологиялари намойиш этилди.

Акрам ҲАЙДАРОВ

Захдан зада бўлганлар

Фарғона водийсига туташ тоғли ҳудудлардан бошланадиган Норин, Қорадарё ва бошқа обиҳаёт манбаларидан оқиб келадиган сув омборларга тўпланиб, унинг миқдори бир неча юз миллион куб метрни ташкил этади.

Тўпланган сув баъзан кўзда тутилмаган ҳолатларда Норин дарёсига қўйиб юборилади. Оқибатда, республикамизнинг Фарғона водийси катта талафот кўраётганлиги, кейинги 10-12 йиллар ичида ер ости сув сатҳи 2,5 метрга кўтарилиб, 135 минг гектар қишлоқ хўжалиги ерлари экин экишга яроқсиз бўлиб қолди.

Экология ва ҳаёт

Андижон вилоятининг Избоскан туманида ҳам ер ости сувининг кўтарилиши оқибатида захланган майдонлар 600 гектардан ортиқ. Туманнинг Норин туманига яқин бўлган Янгиқишлоқ, Элатан, Овул маҳаллаларидаги минглаб хонадонлар захликдан катта талафот кўрмоқдалар. Томорқалардан экин экиб фойдаланиш имкониятлари чегараланиб қолди. Зах сувлар кўтарилишидан 17 гектардаги мевали боғлар қуриб битди. Ер ости зах сувлари 0,60-1,20 метрга кўтарилиб, Н.Шўров, Ш.Юсупов, "Шарқ юлдузи" массивларида қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигига жиддий зарар етказмоқда. Қилинаётган саъй-ҳаракатлар бу офатни бартараф этиш учун етарли бўлмаётир. 2006 йили бу ишга дахлдор бўлган мутасаддилар томонидан 25 чақирим узунликдаги коллекторларни тозалаш ишлари бажарилди. Биргина Янгиқишлоқ массивида 80 гектар майдоннинг ўта захлаб кетганлигини ҳисобга олсак, юқоридаги иш суръати билан муаммони бартараф этишда кутилган самарага эришиш қийин.

Туманда юз бераётган захлик балосини бартараф этиш учун катта куч ва маблағ талаб қилинади. Агар ушбу муаммо ҳал этилса, бир-икки йил ичида туманда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ортиши ва сарфланган маблағ нафақат қайтиши, кейинчалик йиллар давомида иқтисодий самара келтириши бор гап.

Мутасаддиларнинг фикрича, магистраль зах қочириш тармоғининг сув меъёри кўпайиб кетганлиги сабаб захлик ортиб бормоқда. Тумандаги хўжаликлар ҳудудидан оқиб ўтувчи ирригация тармоқларидаги зах сувларни олиб чиқиб кетувчи туманлараро Қолгандарё зах қочириш тармоғининг Балиқчи туманидан оқиб ўтувчи қисми димланиб, магистраль ташлама зовури сувларининг равон чиқиб кетишига тўсқинлик қиляпти. Шунинг учун ҳам Қолгандарё коллекторини Балиқчи туманидан бошлаб кенгайтириб, чуқурлатиб тозалаш зарур. Янгиқишлоқ массивининг Элатан маҳалласидаги ХД-2 коллекторининг Андижон-Наманган-Тошкент темир йўли остига қўйилган қувур 1,2 метр баландга жойлашган бўлиб, уни пастлатиш тақозо этилади.

Мутахассисларнинг фикрларига эътибор қаратилса, туманда юз бераётган захлик балосини бартараф этиш учун катта куч ва маблағ талаб қилинади. Агар ушбу муаммо ҳал этилса, бир-икки йил ичида туманда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ортиши ва сарфланган маблағ нафақат қайтиши, кейинчалик йиллар давомида иқтисодий самара келтириши бор гап.

Маълумки, захликдан ўткир ичак касалликлари, гижжа, дизентерия, ревматизм, сурункали бронхит, айниқса, безгак касалликлари келиб чиқиши тиббиётдан маълум.

Демак, Избоскан туманида юз бераётган захлик балосини бартараф этиш инсонлар саломатлигини муҳофаза қилиш, экологияни яхшилаш билан иқтисодни юксалтиришга ҳам ўзининг ижобий самарасини бериши шубҳасиз.

Йўлдош ИСОҚЖОНОВ

Ўзингдан чиққан балога...

Ҳозирги ўтиш даврида турмуш қийинчиликларига чидамай, ўзини ўққа-чўққа ураётган баъзи бир кимсаларнинг ножўя қилмишлари орқали бегуноҳ кишилар жабр чекаётгани ачинарлидир. Ўткинчи ишсизликни рўкач қилиб, бошқа республикаларга бориб ишлашни кўзлаган айрим фуқаролар "узоқдаги қуйруқдан, яқиндаги ўпка" яхши эканлигини ўйлаб кўрмайдилар.

Жиноятга жазо муқаррар

Кўп ҳолларда қўшни республикаларга бориб ишлаётган, арзон ишчи сифатида ёлланган фуқаролар деярли ҳуқуқий ҳимояланмаган бўлади. Баъзида улар товламачилар томонидан алданиб қолади. Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли туманида яшовчи фуқаролар О.Қўшанов, А.Абдуллаев, К.Ўтепов, А.Тўралиев, Н.Давлетов, Т.Алламберганов, П.Курманбоев, Р. Сафаров, Ш.Саиджонов, Т.Ибрагимов ҳам Россия Федерациясига бориб, ишлаш, пул топиш истагида эдилар. Уларнинг бу мақсадларидан Қуранбой Абдиев хабар топди ва у 2005 йил 26 май куни Россиянинг Астрахан вилоятидаги ғишт заводида юқори маошли иш бор, деб уларни алдаб, ўзи хабар олиб туришини, иш ҳақи олганидан кейин уни бола-чақасига етказишни ваъда бериб, мазкур вилоятдаги темир йўл вокзалига олиб боради. Ва тергов вақтига қадар шахси номаълум бўлган кимсаларга 113 минг 500 Россия рублига сотиб юборади. Ёлғон ваъдаларга учган, номлари юқорида тилга олинган кимсалар бундан бехабар қоладилар. Воқеанинг бошланиши эса мана бундай бўлган эди. Товламачи Қуранбой Абдиев Россияга қатнаб юрган пайтларида (мева-полиз маҳсулотларини сотиш учун) ўзи каби савдо ишлари билан шуғулланувчи Эмирсултон Хонбобоев билан танишади. Эмирсултон "Ариф деган бир таниши завод қурганини, унга 12 киши керак эканлигини" унинг қулоғига шипшитади. Хуллас, воқеалар шу тарзда ривожлана бориб, бояги ўн нафар киши "шахсий заводда" бир йилга яқин ишлайди. Ниҳоят улар завод бошлиғидан ишлаган вақтлари учун маош сўрайдилар. Завод хўжайини эса "Темир йўл вокзалида сизларни сотиб олганман", деб уларга ҳақ тўлашдан бош тортади. Маълум муддат пулсиз қолиб қийналган кимсаларнинг соғлиғи ҳам ёмонлашиб, ётар-турарида ҳам тайин бўлмайди. Алданган фуқаролардан бири Х.Исмоилов вафот этади.

Ниҳоят узоқ сарсон-саргардонликда қийналган, азоб-уқубат тортган фуқаролар ўз юртига не машаққатлар билан етиб келишади. Ўз юртдошларини чув туширган фирибгар Қуранбой Абдиевнинг қилмишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилиб, жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман суди томонидан "Жиноят кодекси"нинг 135-моддаси 3-бўлимида кўрсатилган жиноятларни содир этганлиги туфайли айбдор, деб топилди. Судланувчи Қуранбой Абдиевдан жабрланувчи Ҳамида Абдуллаева фойдасига (марҳум Х.Исмоиловнинг оиласи)га 2 миллион 400 минг сўм, даъвогар Т.Алламберганов, П.Курбанбоев ва жами яна саккизта кишининг ҳар бирига бир миллион 100 минг сўмдан моддий зарар ундириш тўғрисида қарор чиқарилди. Кўриб турибсизки, бир фирибгар, текинхўр кимсанинг орқасидан ўнлаб кишилар жабр чекишди, бир оила эса ўз боқувчисини йўқотди. Товламачи Қуранбой Абдиевнинг ўзига ҳам осон бўлмади. Тегишли жазосини олди. Зеро, халқ мақолларида "Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга", дея бежиз айтилмайди.

Полмирза ХЎЖАБЕКОВ, Жиноят ишлари бўйича Хўжайли туман суди раиси.

Тупроқ унумдорлиги мўл ҳосил пойдеворидир

Бозор иқтисодиёти шароитида ер майдонининг ҳажми эмас, ундан кўриладиган даромад, соф фойда бош мезон ҳисобланади. Бу эса ернинг ҳолати, ундан қандай фойдалана билишга боғлиқ. Зотан, қишлоқ хўжалигида ери бой кишигина бадавлат бўлади. Ширкатларнинг жойида депсиниб, қарзга ботиши, фермер хўжаликларида эса рентабелликнинг ошиши бунга ёрқин мисолдир. Нега бундай бўлди? Бунинг сабаблари кўп. Асосийларидан бири – замин билан тиллаша олмасликдир. Мутахассисларнинг тили билан айтганда, ер ҳам тирик организм, демакки, парваришга муҳтож. Мана, энди илгагандирсиз масала моҳиятини.

Кейинги йилларда дунё бўйича экин майдонлари унумдорлигининг қашшоқлашиб бораётгани айтилмоқда. Бизда-чи? Унумдорлиги пасайиб кетган ерлар қишлоқ мулкдорлари қўлига ўтгач, ўзгариш бўлдими? Ҳар ҳолда, фермерлик ҳаракатининг илк қалдирғочлари мисолида буни таҳлил қилиб кўриш мумкин.

Ўтган 2006 йилда "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси тизимидаги Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот давлат институти томонидан Сирдарё ҳамда Сайхунобод туманларида тупроқ тадқиқотлари ўтказилди. Тадқиқотлар натижаларига кўра, Сирдарё туманидаги суғориладиган ерларнинг балл бонитети 59 балл, Сайхунободда эса 54 балл билан баҳоланди. Баҳоланки, 1997 йили ушбу туманлар замини мос равишда 52, 51 баллни ташкил этган. Кўриниб турибдики, иккала туманда ҳам тупроқ унумдорлиги сезиларли даражада ортган. Бунинг боиси нимада экан?

–Буни ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги билан изоҳлаш мумкин, – дейди "Ергеодезкадастр" давлат қўмитаси раиси ўринбосари Низомиддин Бакиров. – Чунки ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигидаги ижчил ислоҳотлари туфайли республикамиздаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг аксарият қисми фермерлар ихтиёрига топширилди. Натижада, ер эгалари манфаатдорлиги ошиб, яратилаётган қулай шарт-шароитлардан унумли фойдаланишмоқда. Мисол учун, коллектор-зовурлар вақтида тозаланиб, етказиб берилаётган минерал ўғит билан тупроқ меъёрида тўйинтирилянти. Бундан ташқари, маҳаллий ўғит солиниб, агротехник тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилмоқда. Натижада, ерларнинг ҳолати бутунлай яхшиланаётир.

Маълумотларга қараганда, республикамиз қишлоқ хўжалиги ер турлари майдони 25343,8 минг гектари ташкил этади. Бошқача айтганда, бу умумий ер фондининг 57,1 фоизига тенг, дегани. Шунинг 3725,5 минг гектари суғориладиган ер бўлиб, мамлакатимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 95 фоиздан зиёди айнан шу ер майдонлари ҳиссасига тўғри келади. Бундай ҳудудларга давлатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти беқиёслиги туфайли "олтин фонд", дея таъриф беришади. Бироқ, бу ерлар кейинги йилларда тўлиқ баҳоланмагани, қайсидир маънода, фермерларнинг эътиборига ҳам сабаб бўлмоқда. Ахир, ҳосилдорлик белгиланишида ер балл бонитети муҳим роль ўйнайди-да.

–Бу бир ой ёки бир йилда якунланадиган иш эмас, – дейди суҳбатдошимиз Н.Бакиров. – Катта меҳнат ва маблағ, шунингдек, маълум вақт талаб қилинади. Энг муҳими, бу юмушга аллақачон киришилган. Ишлаб чиқилган дастур асосида 2011 йилгача республикамизнинг суғориладиган ерларини баҳолаш тўлиқ якунланади. Ўтган 2006 йил мисолида айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикасида 1410 та, Тошкент вилоятида 7848 та, Сирдарё вилоятида 2404 та, Фарғона вилоятида 777 та фермер хўжалиги ерларида тупроқ-баҳолаш хариталари тузилиб, балл бонитетлари белгиланди. Жорий йилда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Жумладан, юқоридаги вилоятлар билан биргаликда Андижон, Навоий, Самарқанд вилоятларида ҳам бонитировка ишлари амалга ошириляпти. Шу ўринда айтиш керакки, илгарилари тупроқларни ўрганиш бирмунча енгил кечган. Негаки, ширкатлар мисолида таҳлил қилинган, холос. Ҳозирда ҳар бир ширкат негизида ўнлаб янги фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Шу боис, уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқ қилинади.

Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, республикамизда ўртача балл бонитети (55)дан юқори ерлар Тошкент ҳамда Наманган вилоятларида қайд қилинган. Ўртача баллга тенг ва шунга яқин ерлар эса Андижон, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида аниқланган. Афсуски, Қорақалпоғистон Республикаси ва қолган вилоятларда бу борадаги кўрсаткич паст.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, экин майдонлари унумдорлигининг пасайиши агротехник тадбирлардан ташқари турли ташқи омилларга ҳам боғлиқ экан. Лекин унинг олдини олиш мумкин. Қолаверса, заминга пухта ишлов берилса, ҳосилдорлик хусусияти қайта тикланади. Яна саховатини кўрсата бошлайди. Бунинг учун заминдорлар ҳам сахийроқ бўлиши зарур. Бироқ, ерлардан бесамар фойданаётган, қонунни бузаётганлар ҳам йўқ эмас. Қўмитанинг Ердан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни назорат қилиш бошқармаси вакиллари томонидан 2006 йили 1250 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Шулардан бири Қўшработ туманидаги фермер О.Ашуров 5 гектар лалми ер майдонига экилган ғаллани ҳисоботдан яширган. Бағдодлик фермер А.Раззоқов эса ҳеч қандай рухсатсиз 0,4 гектар майдонни қўшиб олган. Чуст туманидаги "Наврўз-98" агрофирмасида бошқачароқ манзара қайд қилинган. К.Яҳёев бошлиқ жамоа томонидан ички зах қочириш тармоғи тозаланмаган, боз устига шўр ювиш тадбири сифатсиз бажарилганлигига нима дейсиз? Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган бу тадбирларни ўлдажўлда қилиб, мўл ҳосил олиб бўларканми? Ахир, кучли шўрланган ерларда 70-80 фоизгача, ўртача шўрланган ерларда 40-50 фоизгача, кучсиз шўрланган ерларда 20-25 фоизгача пахта ҳосили бой берилиши илмий жиҳатдан исботланган. Ер эгалари ишга қўл уришдан олдин мана шулар ҳақида бир оз мулоҳаза қилиб кўришса, яхши иш бўлар эди. Чунки бу хатти-ҳаракатлари ўзларига ҳам зиён-ку?!

Ер ҳақида сўз юритар эканмиз, яна бир масалага эътиборни қаратамиз. Ҳар ҳолда, сўнгги маълумотларда келтирилишича, республикамизда табиий яйловлар ва пичанзорлар оз эмас, 20858,3 минг гектарни ташкил этади. Шундан суғориладиган қисми 43,2 минг гектардан иборат бўлиб, чорва моллари сув билан таъминлаган ҳудудлари эса 18115,3 минг гектардир.

Сухбатдошимизнинг айтишича, яйловлар чўл-текислик, адир-тоғ ҳамда тоғ минтақасига бўлинади. Бундай тоифаларга ажратишда денгиз сатҳига нисбатан жойлашуви, йиллик ёғингарчилик миқдори, табиий шароит каби омиллар асосий мезон ҳисобланади. Бу майдонларда, асосан, "Ўзбек қоракўли" компанияси тизимидаги хўжаликлар чорва боқишади, йил давомида яйлов сифатида фойдаланишади.

Ўйлаб кўрсак, бу дунёда нимаики бўлмасин, вақт билан ҳисоблашмай иложи йўқ. Инсон навқиронлигини йиллар илиб кетади, дарахтлар кун келиб қурийди... Фақат ер вақт измига бўйсунмас экан. Унга меҳр билан ишлов берилса, йўқотган хусусиятларини қайта тиклайверади. Бугун юртимизда заминга меҳр қўйган, тақдирини ер билан боғлаган фидойи инсонлар кўп. Уларнинг меҳнати туфайли тупроқ унумдорлиги ошиб бораётир. Бу қишлоқ хўжалигидаги муваффақиятларни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Зеро, Юртбошимиз ташаббуси билан ернинг муносиб қўлларга ўтишидан кўзланган асосий мақсад ҳам эл-юрт равнақи, юрт фаровонлигини янада оширишдир.

Саид РАҲМОНОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Мамлакатимиз иқтисодиётида банк тизими муҳим ўрин эгаллайди. У тўловларни амалга ошириш, депозитлар қабул қилиш, депозит қўйувчилар ва қарз олувчилар ўртасида муҳим воситачи сифатида қатнашади, давлатнинг пул-кредит сиёсати ижросини таъминлашда агентлик вазифасини бажаради.

«ИПОТЕКА БАНК»:
Энг муҳими – мижоз ишончи

–Ҳукуматимиз томонидан қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ижросига молия муассасамиз ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келмоқда, - дейди Акциядорлик тижорат «Ипотека банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали бошлиғи Шуҳрат Расулов. –Ўтган йили банкимиз мижози бўлган қишлоқ хўжалиги корхоналари сони ва уларга ажратилган кредитлар миқдори 2005 йилдагига нисбатан анча ошгани бунга яққол мисол бўла олади. Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахта ҳосилини молиялаштириш мақсадида жами 117,6 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу аввалги йилдаги кўрсаткичга таққослаганда, анча юқоридир. Ўтган мавсумда ва шу кунга қадар 2 нафар фермер хўжалигига "ТТЗ-8011" русумли, 1 та "ВТ-150Д" русумли, 1 та "Клаас" комбайнлари лизинг асосида ажратиб берилди.

–Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, 126 нафар кам таъминланган оилага қорамол сотиб олиш учун имтиёзли мақсадли микрокредитлар ажратдик, - дея сўзида давом этди суҳбатдошимиз. –Банк ажратаётган кредит маблағлари, асосан, маҳсулот ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар сотиб олиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш, маиший хизмат турларини ривожлантириш бўйича мавжуд лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Шунингдек, кўплаб фуқароларга уй-жой сотиб олиш учун йиллик 17 фоиз тўлови билан узоқ муддатли Ипотека кредитлари ажратилди. Молия муассасаси томонидан жисмоний шахсларга 606 миллион, автомобиль сотиб олиш учун 504,1 миллион, мебелларга 21,5 миллион, электрон ва асбоб-ускуналарга 12,7 миллион, қурилиш материалларига 53,3 миллион, таълим олишга эса 14,4 миллион сўмлик кредит йўналтирилди.

Хизмат

–Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун иқтисодий ва

ҳуқуқий база яратилган. Бу, ўз навбатида, акциядорлик тижорат «Ипотека банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиалига ҳам уларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ўз маблағлари ва хорижий кредит линиялари маблағларини жалб қилган ҳолда кредитлар салмоғини оширишга катта имкон бермоқда, - дейди банк иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Дина Шумашева. –Шу мақсадда, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш, авваламбор, экспортбоп ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш ҳисобига халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда шу орқали янги иш ўринлари яратишга алоҳида этибор қаратмоқда.

Банк тадбиркорликни ривожлантириш учун жами 675, 4 миллион сўм миқдорида кредит маблағларини ажратди. Шунинг 55 миллиони меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги кредит линияси ҳисобидан йўналтириб берилди. Бундан ташқари, саноатга 185 миллион, савдо-сотиққа 62 миллион, қишлоқ хўжалигига 21,3 миллион, қурилишга 407,1 миллион сўм миқдорида кредитлар берилди.

Банкда ҳукуматимизнинг "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига кўра, ҳозиргача 36 корхона билан шартнома тузилиб, ишчи-хизматчиларга 6410 дона пластик карточкалар тарқатилди. Молия муассасасининг 2007 йилга мўлжалланган дастурига биноан, Нукус тиббиёт коллежи, Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат университетида ҳам банкоматлар орқали ходимларнинг иш ҳақини пластик карточкаларда тўлаш амалга оширилмоқда. Шу мақсадларга ажратилган маблағ 248396 минг сўмни ташкил қилди.

–Бундан ташқари, мижозларга янада қулайлик яратиш мақсадида 23 та савдо шохобчаси, бир ресторан, 3 та аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш, 2 та автомобилларга ёқилғи қуйиш ҳамда 6 та жамғарма шохобчаларига терминаллар ўрнатилди, - дейди банк бошлиғи ўринбосари Бердақ Саитназаров. –Шунингдек, 2006 йил давомида фи-

лиал томонидан 14531 дона пластик карточкалар тарқатилди. Савдо терминаллари орқали эса 86376 минг сўм коммунал ва пуллик хизматлар амалга оширилди.

–Бугунги муваффақиятларимизда банкдагиларнинг хизмати катта, - дейди Нукус туманидаги "Она ер" номли фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали деҳқон Х.Айтимбетов. –Негаки, 35 миллион сўм кредит эвазига яп-янги трактор сотиб олгандик. Жудаям асқотяпти. Бундан ташқари, техника керак, деб бировларга сарғайишдан қутулдик. Ён атрофимдаги фермер хўжаликларининг ишини уддалашга ҳам техникамиз кучидан фойдаланяпмиз. Бу ҳам қўшимча даромад-да. Ўтган мавсумда пахта, ғалладан юқори ҳосил олдик. Даромадимиз чакки бўлмади. Бир йилда 35 миллионнинг 15 миллионини тўлашга муваффақ бўлдик. Ниятим, бундан кейин ҳам молия муассасаси билан ҳамкорликни давом эттириш.

–Бобом бир умр уйда қорамол боқсам, кўпайтириб, мулкдор бўлсам, деб орзу қилиб юрар эди. У кишининг ниятлари истиқлол йилларида амалга ошди, - дея ҳамкасбининг фикрларини маъқуллади Қораўзак туманидаги "Бекпўлат махсум" номли фермер хўжалиги бошлиғи Оқбўлат Инединов. –Йил бошида қорамолчиликни ривожлантириш мақсадида «Ипотека банк»ка мурожаат қилган эдим. У ердагилар ҳужжатларим билан танишиб чиққач, тез кунларда менга 10 миллион сўм кредит ажратишди. Ажратилган маблағга зотли чорва моллари сотиб олдим. Ниятларим кўп, уларни амалга оширишда эса, албатта, банк қўмагига суянаман.

Таъкидлаш жоизки, ҳозир банкларароро рақобат кучайган бир пайтда мижозлар ишончини қозониш осон иш эмас. Чунки, улар қуруқ гапга, ваъдаларга ишонишмайди. Яхши даромад олишга кўзи етсагина, манфаатдор бўлсагина, банк билан муносабатга киришади. «Ипотека банк»нинг Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси бу ишнинг уддасидан чиқаяпти.

Улуғбек ЖУМАЕВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Жараён

Ғалла парвариши - эътиборда

Ғаллакорлар учун бир текис тупланториб олинган ғалла майдонларини парваришлашдек қизғин иш палласи бошланди.

Жорий йилда Фарғона вилояти ғаллакорлари томонидан 307690 тонна ғалла етиштириш кўзда тутилган.

Шу кунга қадар ғалла майдонларида иккинчи азотли озиқлантириш ишлари якунланиб, ўртача икки марта суғорилди.

Бошоқли экинларни маромли ривожлантириш мақсадида 80 минг гектар майсага сув шарбат усулида берилди. Шунингдек, вилоят бўйича 8915 гектар ривожи паст ғаллазорларга 12 минг тонна фекал ҳамда 28 минг тонна маҳаллий ўғит чиқарилди.

Жорий йилда вилоят миқёсида мавжуд ғалла майдонларининг 47,8 минг гектарида бегона ўтлар тарқалиши башорат қилинган эди. Шу кунгача 38 минг гектардан ортиқ майдон бегона ўтдан тозаланди ҳамда 16 минг гектаридаги ғалла майсалари гербицидлар ёрдамида ишлов берилди.

Умуман олганда, вилоятда бу йилги ғалла хирмони учун амалга оширилаётган ишлар эътирофга молик. Негаки, бугунги ҳаракат эртанги баракатдан нишона бераётир.

Ўктамхон ХОЛДОРОВА,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Фермер хўжаликлари раҳбарлари, иссиқхоналар соҳиблари диққатига!

"Ер малҳами" ва биогумус — юқори ҳосилдорлик манбаи

Пахта, ғалла, шоли, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз экинлари ҳосилдорлигини камида 20-25 фоиз оширишни хоҳлайсизми?

Одатдагидан 15-20 фоиз кам харажат қилиб, экологик тоза ва юқори ҳосил олишни истайсизми?

Унда биологик соф ўғит – "Ер малҳами" ва биогумусдан фойдаланишнинг.

"Ер малҳами" ва биогумусни Хоразм вилоятидаги "Биоўғит" ишлаб чиқариш корхонаси етказиб беришга тайёр.

Унинг манзили: Урганч шаҳри, Паҳлавон Маҳмуд кўчаси, 10-уй.

Тел.: (8-362-22)-6-98-62; (8-362)-513-20-18 (уяли);
Корхонанинг Тошкентдаги вакили телефонлари: (8-371)-222-39-48; 706-39-48 (уяли)

Маҳсулот сертификатланган

ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

"ЛУЧАФЭРУЛ", "ЮГОСЛАВСКИЙ", "КУНГАБОҚАР ОТАСИ ОНАСИ" сортли КУНГАБОҚАР ПИСТА УРУҒИНИ СОТАДИ.

маҳсулот сертификатланган

Тел.: 133-44-57, 132-26-76.

"Барака" кредит уюшмаси аъзолари диққатига!

2007 йил 12 май соат 10.00 да Ўзбек миллий академик драма театри биносида уюшманинг 2006 йил якуни бўйича умумий йиғилиши бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент, А.Навоий кўчаси, 34-уй.

Замонавий техника – тежамкорлик гарови

Бундан уч йил муқаддам Гулистон туманидаги янги "Гулистон пахта тозалаш" очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти иш бошлаганида, 300 нафар ёш йигит-қиз иш ўринларига эга бўлишганди. Замонавий дастгоҳлар ўрнатилган корхона тез орада ўзининг сифат кўрсаткичлари билан оғизга тушди.

Корхонада бугунги кунда юқори унумли "ДП-130" маркали ЖИН дастгоҳлари ишлатилаётганлиги боис, тола чиқиши 32,4 фоизга кўтарилди. Натижада, шу кунгача корхона жамоаси 160 тонна пахтани тежаб қолишга муваффақ бўлишди. Уч сменада меҳнат қилаётган ишчиларга барча шароитлар яратиб берилган. Корхона экиш мавсумига ҳам пухта тайёргарлик кўрди.

– Гулистон туманида асосан "Ан-Боёвут-2", "С-6524", "Бухоро-6", "Бухоро-8", "Бухоро-102" навларини экиш режалаштирилган, – дейди тайёрлов ва тайёр маҳсулотлар бўйича корхона раисининг ўринбосари Ваҳоб Раҳмонов. – 385 тонна уруғлик 5 та шохобчага олиб келиниб, фермерларга етказиб бериш харитаси тузиб чиқилди. Шохобчаларнинг вазифалари фермерларга уруғни тайёрлаб етказиб бериш. Бунинг учун ҳар бир шохобчага 8 тадан транспорт воситаси, 3 нафардан ишчи биркитилган. Бундан ташқари, завод томонидан 300 гектар ерга бир нафардан тайинланган ҳосилотлар ернинг тайёрланиши ва экиш сифати бўйича деҳқон-фермерларга мавсум давомида ўз маслаҳатларини бериб боришади. Айни пайтда, корхонада гектарига 50 килограммдан тукли, 25 килограммдан туксиз чигит ажратилган бўлиб, бу чигит зараркунандаларга қарши препаратлар билан дориланган.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Чўлдаги хазина

– Ҳозир чўпон ғалвирини сувдан кўтараётган пайт, – дейди "Навоийқоракўл" бирлашмаси раисининг ўринбосари Жумабек Сулеймонов. – Барханлар бағридаги 844 совлиқ отларларида қўзилатиш мавсуми муваффақиятли ўтмоқда. Йил-ўн икки ой қилинган заҳматли меҳнат ўз самарасини кўрсатмоқда.

Вилоятнинг 33 та ширкат хўжалигидаги мавжуд 532,9 минг бош совлиқ қиш-қировли кунлардан бечиқим олиб чиқилди. Шу йилнинг 20 мартидан бошланган қўзилатиш мавсумидан буён 319 минг бошдан зиёд она қўй қўзилади. Ҳар юз бош совлиқдан ўртача юз бошдан ёки жами 320,5 минг бош қўзи олиниб, 80 фоизи ёхуд 282 минг бошдан ортиқ қўзилар ўстиришга қолдирилмоқда. Вилоят қоракўлчилари подада чорва бош сонини кўпайтириш мақсадида бугунгача 137 минг бош урғочи қўзини ўстиришга қолдириб, улар парваришига эътибор қаратишган. Бу эса ҳозиргача олинган жами ҳосилнинг 43 фоизини ташкил этади, холос.

"Абай", "Қизилқум", "Сарибел", "Конимех", "Томди" сингари наслчилик хўжаликларида юқори сифатли, харидоргир қоракўл терилар тайёрланмоқда. Бугунгача ишлаб чиқарилган қоракўл терилар 38,5 минг донани ташкил қилмоқда. Шу жумладан, Конимех туманида ҳозиргача 65, Учқудуқ туманидаги хўжаликларда эса 80 фоиз атрофида қўй қўзилади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Диққат марказида ёнғин хавфсизлиги

Қишлоқ аҳли "Пилла – деҳқоннинг ҳандалак ҳосили", деб бежиз айтмайди. Зеро, қишлоқ хўжалигида йилнинг дастлабки йирик хирмони пилладан уйилади. Бу хом ашёни етиштиришнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Пилла қурти аҳоли уйларида боқилиши, ана шу мавсумнинг асосий қисмида хоналар тегишли даражада иситилиши ва бошқа жиҳатлар ҳар бир ишга ҳушёрлик билан ёндашишни тақозо этади.

Пилла боқиш мавсумида, ҳосил терими ва уни сақлашда ушбу моддий бойликни, қишлоқ аҳлининг уй-жойини ёнғин хавфидан муҳофаза этиш учун белгиланган тартиб-қоидаларга амал қилиниши зарур. Хоналар ҳароратининг мўътадиллигини таъминлаб туриш учун, асосан, ўтин, кўмир, табиий газ ёқиладиган печлардан, яхлит иситиш тизимидан фойдаланилади. Ипак қуртлари дастлабки уйқудан туриб, йириклашгач, илк тайёрланган жойларга сиғмай қолади. Ана шундай пайтларда баъзи пиллачилар уларни мослаштирилмаган хоналарга кўчириб, белгиланган тартиб-қоидаларга хилоф равишда кичик печкаларни резина шланглар орқали олиб борилган табиий газ билан иситишга ҳаракат қилишади. Бу эса ёнғин чиқиши учун жиддий хавф туғдиради.

Соҳа ходимлари мавсумда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш учун бир

Эҳтиёт-шарт

қатор қоидаларга амал қилишлари шарт. Хусусан, ипак қурти парваришланаётган хонадонларда ҳар эҳтимолга қарши бирламчи ёнғин ўчириш воситалари фойдаланишга шай ҳолда туриши зарур. Хоналардаги электр симларини ва бошқа воситалар ёнғин хавфсизлиги инспекторлари кўригидан ўтказилиши даркор. Кўп йиллардан бери фойдаланиб келинаётган печлар таъмирланиши ва мутахассислар кўригидан ўтказилиши зарур. Шунингдек, сўриларни жойлаштиришда уларнинг печлардан бир метр узоқликда бўлишини таъминлаш талаб этилади. Булардан ташқари, хоналарнинг пол қисми ёғочдан бўлса, печ остига 50х70 см кенгликда тунука қопланиши керак. Печларни назоратсиз қолдирмаслик, уларга ўтин-кўмир ёқилишини ёш болаларга ишониб топширмаслик даркор. Электр иситкичлардан, бензин, керосин каби тез ёнадиган ёқилғилардан фойдаланмаслик ва уларнинг пиллахоналарда сақланишига йўл қўймаслик энг зарур талаблардир. Таъкидланган тартиб-қоидаларга риоя қилиш моддий бойликларни ёнғин чиқиш хавфидан ишончли муҳофаза этади.

Даврон ҚАМБАРОВ,
Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ходими, милиция капитани.

Утерянный гос.ордер № 01-02/8564 от 15.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Нишанова Анфиса Дмитриевна, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 11-02/2859 от 19.02.1993 г. права собственности на квартиру на имя Альбрехт Марина Густавовна, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 11-01/6136 от 16.03.1993 г. права собственности на квартиру на имя Степанова Павела Георгиевича, считать недействительным.

Утерянный угловой штамп частного предприятия "Дунёсавдооптима" Чиланзарского района г.Ташкента, считать недействительным.

ЧФ "SHIRIN-TAOM-CHOYXONASI" Чиланзарского района г.Ташкента реорганизуется в ООО "SHIRIN-TAOM-CHOYXONASI". Тел.: 342-52-52.

ООО "SKY DOVE INVEST" М.Улугбекского района г.Ташкента переименуется на ООО "SAYOR EKRAN BIZNES". Тел.: 301-49-04.

ЧП "Наримон-Омон ўғли" Паркентского района Ташкентской области переименуется на ООО "Наримон-Омон ўғли". Претензии принимаются по тел.: 306-15-65.

ЦЕМЕНТ (ПЦ400 Д20) 94,2 ▼ - 0,2 | УГОЛЬ (бпк) 14,9 ▼ - 0,01 | АРМАТУРА 1660,2 ▲ + 59,7 | ШИФЕР (1 лист) 8138 ▲ + 229 | АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 259,8 ▼ - 0,2 | Если хочешь узнать больше о биржевых ценах, отправь слово UZEX на 8881

Қаловини топсанг...

Етти минг кишига хизмат кўрсатувчи "Геофизика" қишлоқ врачлик пункти замонавий УЗИ ва ЭКГ тиббий ускуналари билан жиҳозланди. Яқиндагина Жаҳон Тараққиёт банки томонидан ажратилган маблағ эвазига ФЭК аппарати ҳам келтирилди. Мутахассисларнинг айтишича, бу тиббий ускуна ёрдамида қонни 36 хил таҳлилдан ўтказиш имконияти мавжуд.

–Илгари масканимиздаги ЭКГ аппарати унча яхши ишламасди, - дейди пункт бош ҳамшираси Майя Абдуллаева. –Эндиликда бу борада ҳеч қандай муаммо йўқ. ҚВПмизда Бухоро давлат тиббиёт институтининг бир гуруҳ талабалари амалиёт дарсларини ўташади. Негаки, ҳукуматимиз ғамхўрлиги, вилоят ва туман ҳокимлиги ҳамда ҳомийимиз "Бухорогеофизикаэкспедицияси" ташкилоти кўмаги билан шифо масканимизда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Худудимизда туғиш ёшидаги 1789 нафар аёл бор. Уларнинг саломатлиги алоҳида эътиборимизда.

–Туманимизда 18 та ҚВП фаолият кўрсатмоқда, - дейди Когон туман марказий шифохонаси бош шифокорининг қишлоқ врачлик пунктлари бўйича ўринбосари Мухтор Бозоров. – Яқинда улар Жаҳон Тараққиёт банки томонидан ажратилган, жами 72 миллион сўмлик замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

Тиббиёт

"Саломатлик-2" дастури доирасида амалга оширилган ушбу хайрли тадбирнинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун бир далилга эътиборни қаратмоқчимиз. Тайтал қишлоқ врачлик пункти туман марказидан 25 километр олисда жойлашган. Замонавий тиббий жиҳозлар йўқлиги боис беморлар шунча масофани босиб ўтиб, туман марказига келишга мажбур бўлишарди. Эндиликда бунга ҳожат қолмади. Мазкур ҚВПнинг ўзида тиббий кўрикдан тўлиқ ўтиш учун шарт-шароитлар етарли.

ҚВПларни дастур лойиҳаси доирасида таъмирлаш борасида ҳам муайян ишлар қилинаяпти. Масалан, бултур Ҳукуматобод қишлоқ врачлик пунктида ҳомийлар ёрдамида таъмирлаш ишлари бажарилди. Қуйи Хоми ҚВПда ҳам капитал таъмирлаш юмушлари амалга оширилгач, маскан замонавий қиёфа касб этди, бу ерда ишловчилар ҳамда беморлар учун қулайликлар юзага келди. Туман марказий шифохонаси туғруқ мажмуида ҳам капитал таъмирлаш ишлари якунига етказилди.

Лекин туманда таъмирга муҳтож, шарт-шароити бугунги кун талабига жавоб бермайдиган ҚВПлар ҳам йўқ эмас. Ойбек, Каптархона, Тўтикун ҚВПлари шулар сирасига киради. Хусусан, Хонзи қишлоқ врачлик пунктини капитал реконструкция йўли билан таъмирлаб, замонавий қиёфага келтириш ишлари чўзилиб кетди. Маблағ йўқлиги боис бу ерда қурилиш юмушлари тўхтаб қолган. Ҳолбуки, мазкур объект 2005 йил, ундан сўнг эса 2006 йилги дастурларга киритилган эди. Албатта, дастурларни тузишда имкониятлар инобатга олинади. Кончилар қўрғонида намунали, кўрса ҳавас қилгулик врачлик пункти биноси қурилганидан ибрат олса арзийди. Қаловини топсанг, деганларидек, Хонзида ҳам шу юмушни бажариш мумкин эди, назаримизда.

И.ИБРОҲИМОВ,
«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

*** Шу кунга қадар бирваракайига энг улкан мушакбозликни амалга ошириш японларга насиб этган, холос. 1988 йили Токиода уюштирилган фейерверк чоғида 700 килограммлик снаряд ёрдамида радиуси 600 метрлик "мушак гулдастаси" ҳосил қилинган.**

ҲАР ТЎҒРИДА

100 минг долларга сотилган шляпа

* "Британиянинг иттифоқчилари эмас, Британиянинг манфаатлари бор", деган шиорни мудом такрорлаб юришни хуш кўрган Уинстон Черчилнинг шляпаси ҳам унинг яқинлари учун манфаатли чиқиб қолди. Бу тарихий қалпоқ 1998 йили номаълум кимсага 100 минг АҚШ долларига сотилган эди.

*** Энг кўп муддат давомида энг кўп шоҳмот партиясида дона суриш бўйича жаҳон рекорди франциялик Дамир Левасичга тегишлидир. У 81 соат-у 10 дақиқа мобайнида ҳордиқсиз 322 партиялик сеанс ўтказган бўлиб, шунинг 250 га яқинида ғалаба қозонишга эришган.**

* 1991 йилдан буён Англияда тамаки маҳсулотларини тарғиб қилишда "Чекиш ўлимга олиб келади!" деган сўзларнинг ишлатилиши

мажбурийдир. "Marlboro" сигаретининг реклама ролигини тайёрлаш чоғида ишбилармонларнинг ушбу сўзни "Чекиш ўлимга олиб келади! Бироқ барибир ҳаммамиз ҳам қачондир ўламиз!" тарзида ишлатгани эса мазкур тамаки турининг рейтингини анчагина ошириб юборган экан.

Ҳасан ТОШХЎЖАЕВ тайёрлади.

Баҳор неъматлари

Дардларга шифо – равоч

Абу Али ибн Сино равочдан безгак, чечак, вабо, қизамиқни даволаш билан бирга, меъдани мустаҳкамловчи омил сифатида фойдаланган.

Тибет табиблари равочни "хурсандчилик ва ғамлик илдизи", деб таъриф этганлар. Изоҳ: равоч тан яйратувчи, хушхўрлиги билан кайфиятни кўтарувчи хусусиятга эга бўлса-да, унинг таркибидаги тартарат ачили (шовул кислотаси) борлиги туфайли, инсон организмидаги кальций тузларини йўқолишига сабаб бўлади. Бу эса никриз, артрит, бод билан оғриган кишиларга тўғри келмайди. Аммо бу нохуш таъсир кучини йўқотиш учун тибет ламалари равочли таомларга сут қўшишни тавсия этганлар.

Олимларнинг таъкидлашларича, равочдан шароитга қараб апрель ойининг бошларидан июнь ойининг бошларигача фойдаланиш мумкин. Чунки бу даврда унинг истеъмол қилинадиган қисмлари қотмаган ва киши организми учун керак бўладиган органик кислоталарга (олма, лимон, оксалт, кахрабо, фумар каби ачиллар) бой бўлади, унда калий, кальций, фосфор ва магний тузлари, С, В гуруҳ, РР белгили дармондорилар, каротиноидлар, флавоноидлар, пектин моддалари мавжуд.

Айни баҳор дамлари равоч новдалари истеъмол қилиниб, ундан хушхўрлиги билан ажралиб турадиган мураббо, шарбат, кисел ва бошқа турли тансиқ емаклар тайёрланади. Равоч новдаларини сомса, варақи каби пишириқлар "мағзи" сифатида ишлатилади.

Сабзавотли шўрва

Сабзи ва крафшнинг илдизи тозаланиб, сомонча кўринишида тўғралади-да, қайнаб турган сувга солинади. Унга бир неча дақиқадан сўнг кўк нўхат ва картошка қўшилади. Равоч бандлари эса алоҳида юмшагунича қайнатилади ҳамда бутунлигича пиширилган тухум билан сузғичдан эзиб ўтказилади.

Шўрванинг етилишига уч дақиқа қолганида, унга майда тўғралган шивит, пиёз, крафш кўкатлари қўшилади. Энг охирида равоч-тухумли аралашма солиниб, тузланади, сметана аралаштирилади.

Таомнома: 1,5 литр сув, 100 грамм равоч, мирзойи ёки мушак сабзи, крафш илдизи, 3 та картошка, ярим стакан кўк нўхат, 2 ош қошиқ майдаланган кўкпиёз, 2 дона тухум, 4 ош қошиқ сметана, шивит ва крафш кўкати, туз.

Ушбу усулда тайёрланган шўрва жигар фаолиятини яхшилайди, аёлларга климакс давридан енгиллик билан ўтишга ёрдам беради.

Яйратма

Равоч бандлари тозаланиб, тузли сувда етилгунича қайнатилади-да, уни сузғичда эзиб ўтказилади. Ҳосил бўлган маҳсулотни қайнаш даражасига олиб борилади. Ўсимлик ёғида доғланган ун сувда эритилиб, аралаштирилади ва қайнатиб олинади. Сўнгра сметана билан ишлов берилиб, шивит солинади.

Таомнома: 1 литр сув, 200 грамм равоч, 2 ош қошиқ ўсимлик мойи, 1 ош қошиқ ун, 4 ош қошиқ сметана, шивит, туз.

Мазкур усулда тайёрланган таом меъда шираси камлиги билан боғлиқ меъда яллиғланишида, камқонликда, фаромушхотирликда, ўпка силида даволик қилади.

Кўк шўрва

Тозаланган лавлаги, сабзи, крафш илдизи сомонча қилиб тўғралади, сувда ярим етилгунича қайнатилади.

Унга тўғралган карам ва картошка солинади, лавлагининг банди, уст қисми равоч юмшагунича қайнатилади, сўнгра эзиб сузғичдан ўтказилади.

Майдалаб тўғралган бош пиёз ёғда ўлдирилади. Таомнинг етилишига 10 дақиқа қолганида, бўтқа кўринишига келтирилган равоч, лавлагининг уст қисми, майдаланган кўзиқулоқ (шовул), тоб берилган пиёз, туз солинади.

Таомнома: 1,5 литр сув, 100 грамм равоч, лавлаги бандбарги билан крафш илдизи, чорак бўлак бош карам, 4 та картошка, 1 ош қошиқ майдаланган кўзиқулоқ, 2 дона тухум, 1 бош пиёз, 2 ош қошиқ ўсимлик мойи, крафш, шивит кўкати, таъбга қараб туз.

Доно ХЎЖАЕВА, олий тоифали доришунос.

SPORT OLAMIDA

Мағлуб бўлса ҳам пешқадам

11 апрель куни футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси гуруҳ баҳсларининг навбатдаги тур учрашувлари бўлиб ўтди.

Унда иштирок этаётган клубларимиздан "Пахтакор" ўз майдонида Саудия Арабистонининг "Ал-Ҳилол" клубига қарши тўп сурган бўлса, Фарғонанинг "Нефтчи"си "Ал-Садд" (Қатар) меҳмони бўлди.

Дастлаб Тошкентда ўтган учрашув ҳақида тўхталсак.

Биринчи бўлимнинг ўн бешинчи дақиқаларига келиб устунлик бир оз "пахтакор"чиларга ўтди. Хавфли вазиятлар ҳам кўпроқ "Ал-Ҳилол" жарима майдони олдида содир этилди. Лекин бу бўлимда дарвозани ишғол қилиш ҳар икки жамоа вакилларига ҳам насиб этмади. Иккинчи бўлим ҳам худди шу сценарийда бошланди ва 47-дақиқада "Ал-Ҳилол" дарвозасига тўп киритилди. Аммо ўйин бош ҳаками бу вазиятда Александр Клецков рақиб посбони Муҳаммад Ал-Дейяга нисбатан қўполлик ишлатди, деб голни инобатга олмади. 54-дақиқада эса меҳмонлар ҳисобни очишди. Ал-Гамди 18 метрлар узоқликдан Игнатий Нестеров дарвозасига тўпни аниқ йўллади. Орадан олти дақиқа ўтгач, ҳисоб яна ўзгарди. Бу вазиятда "Ал-Ҳилол"нинг бразилия-лик футболчиси Родриго ҳисобни 2:0 га етказди. Шундан сўнг вакилларимизнинг қилган барча ҳаракатлари зое кетди ва худди шу ҳисобда имконият бой берилди.

Айни пайтда "Пахтакор" ўз гурухида икки учрашувдан сўнг уч очко билан иккинчи поғонадан жой олиб турибди. "Ал-Ҳилол" эса 4 очко билан биринчи ўринни банд этган. Қувайтнинг "Ал-Қувайт" клуби ҳисобида бир очко бор.

Қатарда бўлиб ўтган ўйинда ҳам юқоридаги ҳисоб қайд этилди. "Нефтчи" "Ал-Садд"га имкониятни бой берди. Халфан Иброҳим ва Эмерсонлар томонидан киритилган икки гол Фарғона бош жамоасини гуруҳ баҳсларидаги илк мағлубиятига сабаб бўлди. Ушбу гурухдаги ("С") яна бир учрашув Сурияда бўлиб ўтди. Унда "Ал-Карама" "Ал-Нажаф" (Ироқ) билан дуранг (1:1) ўйнади. "Нефтчи" гарчи мағлубиятга учраган бўлса-да, ҳамон ўз гурухида пешқадам бўлиб турибди.

Руслан "жанг"га тайёр

Айни кунларда бутун дунё спорт ихлосмандлари 14 апрель куни ҳамюртимиз Руслан Чагаев ва россиялик чарм қўлқоп устаси Николай Валуев ўртасида Германиянинг Штутгарт шаҳридаги "Porsche" аренада бўлиб ўтадиган "жанг"ни катта қизиқиш билан кутишмоқда.

Ҳамюртимиз, албатта, бу баҳсда ғалаба қозонишни мақсад қилган.

–Мен чемпионлик камарини қўлга киритиш учун кўп машаққатли йўлларни босиб ўтдим. Мақсадим — чемпион бўлиш. Айни пайтда шундай имкониятни юзага келтирдимми, демак, ундан бор кучим билан фойдаланаман, – дея айтиб ўтган ҳамюртимиз. Унинг мураббийи Миказль Тимм ҳам Русланнинг кайфияти ва тайёргарлиги аъло даражадалигини баён қилган.

Амалдаги чемпион Николай Валуев ҳам Руслан осонликча ён берадиганлардан эмаслигини тан олган ва ўзбекистонлик боксчи билан ўтадиган беллашуви фаолияти давомидаги энг қийин "муштлашув" бўлишини таъкидлаб ўтган.

Нима бўлганда ҳам ҳаммасига 14 апрель санаси ойдинлик киритади. Ваҳоланки, айни пайтгача на Чагаев, на Валуев бирорта рақибига имкониятни бой берган.

Биз эса кўпсонли юртдошларимиз номидан ҳамюртимизнинг ана шу ғалабали юриши давом этиши тарафдоримиз.

Футбол бўйича Европа чемпионлар лигаси ярим финалчилари номи аниқланди.

Ярим финалчилар маълум

Италиянинг "Милан" клуби Мюнхенда "Бавария"ни 2:0 ҳисобида мағлуб этган бўлса, "Ливерпуль" ПСВ "Эйндховен"дан кичик ҳисобда устун келди – 1:0. "Милан" ва "Бавария" ўртасидаги дастлабки учрашувда 2:2 ҳисоби қайд этилганди ва мухлислар Германияда бўладиган учрашувда "Бавария" ғалаба қозонишини башорат қилишганди. Лекин Карло Анчелотти шогирдлари бу фикрларни чиппакка чиқаришди. Кларенс Зеедорф ва Филиппо Инзагилар томонидан киритилган голлар "Милан"ни ярим финалга олиб чиқди.

"Ливерпуль" биринчи учрашувда 3:0 ҳисобида зафар қучганди. Шу сабабли, англиялик футболчилар ўз майдонида кечган ўйинда хотиржам ҳаракат қилишди ва Питер Краучнинг ягона голи эвазига ярим финалда тўп сурадиган бўлишди. Ярим финал учрашувлари 24/25 апрель ва 1/2 май кунлари бўлиб ўтади. Унда "Милан"–"Манчестер Юнайтед" ҳамда "Челси"-"Ливерпуль" жуфтликлари финалга чиқиш учун баҳс олиб боради. Чемпионлар лигасининг жорий мавсумдаги ғолиби 23 май куни Афинада аниқланади.

Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

"Ханжар" тишли жонивор

Тиш ҳар бир жонзотнинг асосий мучаси. У отларда қандай тузилган экан?

Отларда ўзи нечта тиш бўлади?

Қизиқ савол-а?

От шайдоси Мустафо Эгамқулов уни шундай изоҳлайди:

- Отда, - дейди у, - бешта курак тиш баландда, бешта курак тиш пастда бўлиб, бу тишлар қулай жойлашганлиги билан характерлидир. От тишлари худди пичоқдек ишлайди. Бундан ташқари, бу жонивордаги иккита озиқ тишнинг хизмати бениҳоя катта. Бу жараёнда курак тиш унга кўмаклашади.

От оёғига қачон ем тушади?

Чавандозлар тулпор парваришига алоҳида эътибор билан қарашади. Вақтида ем, хашак, сув бериб, унинг тарбияси пайида бўлишади. Кўпкари чопиладиган отга ем берилганда эҳтиёткорлик талаб этилади. Бўлмаса...

Ўқинг, қизиқ!

Бу хусусда чавандоз М.Эгамқулов фикрига қулоқ тутинг.

- Отларга кунига бир маротаба бешолти килограмм арпа берилиб, ҳазм бўлмасидан олдин кўпкари чопилса ёки суғорилса, оёғига ем тушади, - дейди у.

- Бундай пайтда тулпорни даволаш имкони борми? - деб сўраймиз.

Қулиб турган чавандоз фикрини давом эттиради.

- Мумкин. Лекин, бундай пайтда отнинг қон ҳаракатида бузилиш юзага келади, жонивор хафақонга учрайди. Бундай ҳолда тулпорнинг икки чеккасига наштар уриб, бир литру икки юз грамм қора қон олинади. Қон ранги қизил тусга кирса, уни тўхтатиб қўяман, - дейди суҳбатдошимиз. - Шундан сўнг от уч-тўрт соатда ёзилиб, оёққа туриб кетади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ

Рассом хандаси

А.ҲАКИМОВ чизган расмлар.

АВТОТРАНСПОРТ – КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА!

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖнинг ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тоннали юк машиналари, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фургонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларни сотади.

Ҳақ тўлаш исталган усулда!

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-уй.
Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62.
Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94.
E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Маҳсулотлар сертификатланган

Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги "IVRA" (ОКПО бўйича код 18150361) хусусий фирмаси "IVRA" хусусий корхонасига ўзгартирилади. Тел.: 117-47-59.

Узбекско-иранское СП "PERS PAK LIDER" (ОКОНХ 18122) уведомляет об уменьшении своего Уставного капитала до фактически сформированного, с 200000 долл США до 159310 долл США, за счет уменьшения доли иностранного учредителя, согласно протокола № 9 общего собрания учредителей. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 132-45-54.

ЧФ "GAVIOTTA" (код по ОКПО № 18985143) Яккасарайского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 162-79-84.

Утерянный аттестат № UZA 083213, выданный 17 июня 1998 года сред.шк. № 18 Чиназским районом Ташкентской области на имя Алиева Ерланя Эртаевича, считать недействительным.

Утерянный диплом № 631759, выданный 10.07.1984 г. Ташгоспединститутом имени Ф.Энгельса на имя Шилиной Натальи Филимоновны, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 11-01/6578 от 14.04.1993 г. права собственности на квартиру на имя Трушелова Евгения Яковлевича, считать недействительным.

Тегишли давлат патентларига эга **"AVTOTRAK"®** илмий-ишлаб чиқариш маркази қуйидаги хизматларни таклиф этади:

1. *ЗИЛ–130,555.., ГАЗ–52,53.., САЗ.. автомобилларига дизеллар ўрнатади ва назорат (ГАИ) идораларига керакли хужжатлар тақдим этади.*
2. автомобилларга дизеллар ўрнатишни ўз жойларида ташкил этишга кўмаклашади.
3. Д-243 (МТЗ), Д-144 (Т-28), А-01 ("Алтай"), "Камминз", "Авиа" дизелларини капитал ремонт қилади, эҳтиёт қисмлар сотади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА-, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати. **Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43**

Хизматлар лицензияга эга

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган – 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

(т) -тижорат мақола

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: Д.УЛУҒМУРОДОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-317, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 20.30 Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5